

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JAMOAT XAVFSIZLIGI UNIVERSITETI**

**GIYOHVANDLIK VA NARKOJINOYATLARGA QARSHI
KURASHISH SOHASIGA OID MILLIY QONUNCHILIK
BAZASINI TAKOMILLASHTIRISH**

mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiya
MATERIALLARI

2026-yil 31-mart

TOSHKENT

Giyohvandlik va narokojinoyatlarga qarshi kurashish sohasiga oid milliy qonunchilik bazasini takomillashtirish// mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. – Toshkent: O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti. – 2026 y. – 375 b.

Mazkur to‘plamda O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti professor o‘qituvchilari, doktorant, mustaqil izlanuvchilari, magistratura tinglovchilari va kursantlarning, sohaviy xizmatlar, respublikamizning yetakchi oliy ta‘lim muassasalari professor-o‘qituvchilari va izlanuvchilarining ilmiy maqolalari o‘rin olgan.

Mas‘ul muharrir:

Nurmatov M.M., y.f.d., professor

Tahrir hay‘ati:

Beksariyev X.Q., dotsent;

Pulatov Y.S., y.f.d., professor;

Yuldasheva G., y.f.d., professor;

Umarxanova D.Sh., y.f.d., professor;

Maxsadov M.I., y.f.d., dotsent;

Ikramov A.A., y.f.b.f.d, dotsent;

Payziyev A.M., y.f.b.f.d, dotsent;

Maxamatov M.M., y.f.b.f.d, dotsent;

Jo‘rayev J.R., y.f.b.f.d;

Rizoyev F.F. y.f.b.f.d;

Ravshanov U.M.;

Ishmuratov E.I.

Mualliflarning nuqtayi-nazarlariga putur yetkazmaslik maqsadida ilmiy to‘plamga kiritilgan ilmiy maqola va tezislar texnik jihatdan tahrir qilingan, tahrir hay‘ati matnlarda uchraydigan ba‘zi bir noaniqliklar uchun javobgarlikni o‘zidan soqit qiladi. Shuningdek, ilmiy to‘plamga kiritilgan maqolalarning mazmuni, mazkur maqolalarda keltirib o‘tilgan statistik va boshqa ma‘lumotlarning aniqligi uchun mualliflar mas‘ulligi belgilanadi.

© O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti, 2026

ГИЁХВАНДЛИК ВА НАРКОЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЎРНИ

Тўраев Илхомжон Эсанович

Ўзбекистон Республикаси Кримнология тадқиқот институти етакчи илмий
ходими, т.ф.б.ф.д. (PhD)

Ҳозирги глобаллашув шароитида инсоният хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётган омиллардан бири сифатида гиёҳвандлик ва у билан боғлиқ трансмиллий жиноятчилик алоҳида долзарблик касб этмоқда. Машҳур социолог **Мануэль Кастельс** таъкидлаганидек, “Глобал жиноий тармоқлар давлат чегараларини менсимайди ва энг замонавий технологиялардан фойдаланиб, анъанавий назорат тизимларидан устун келишга интилади” [1].

Шу боис, гиёҳвандлик муаммосини комплекс жараён сифатида тадқиқ этиш зарурати юзага келмоқда. Бунда тиббиёт, психология ва юриспруденция фанларининг интердисциплинар интеграцияси муҳим. Хусусан, Америкалик психиатр, нейробиолог, АҚШ Миллий соғлиқни сақлаш институтлари таркибидаги Наркотикларни сунистеъмол қилиш бўйича миллий институт (ингл. National Institute on Drug Abuse — NIDA) директори, тиббиёт фанлари доктори **Нора Долорес Волкова** (Nora Volkow) илмий изланишларида исботлаганидек, “Қарамлик — бу иродасизлик эмас, балки миyaning мукофот тизимидаги чуқур кимёвий ўзгаришлар натижасида келиб чиқадиган сурункали касалликдир” [2]. Бу қараш бизга даволаш ва профилактикага янгича — биопсихосоциал модель асосида ёндашиш имконини беради. Илмий тадқиқотларнинг муҳим вазифаси “айсберг эффекти” доирасида қолиб кетаётган латент ҳолатларни аниқлашдир. Кримнолог олим **Эдвин Сатерленд** ўз назарияларида жиноятчиликнинг ижтимоий ўрганилиш механизмига эътибор қаратиб, профилактикада “муҳит омили” биринчи даражали эканлигини асослаб берган [3].

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жадал суръатларда ривожланиши, транспорт-логистика тармоқларининг кенгайиши ва халқаро алоқаларнинг чуқурлашуви натижасида наркобизнес фаолияти янги, институционал жиҳатдан мураккаб ва юқори даражада мослашувчан шаклларга эга бўлмоқда.

Мазкур ҳолат гиёҳвандлик муаммосини анъанавий ҳуқуқни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари доирасида ҳал этиш имкониятларини чеклаб, уни кўпқиррали, тизимли ва илмий ёндашувни талаб қилувчи комплекс жараён сифатида тадқиқ этиш заруратини юзага келтирмоқда. Хусусан, ушбу соҳада самарали стратегияларни ишлаб чиқиш тиббиёт (*аддиктология ва нейробиология*), психология (*хулқ-атвор омиллар ва қарамлик механизмлари*), социология (*ижтимоий муҳит ва хавф омиллари*), ҳамда юриспруденция

(хуқуқий тартибга солиш ва жиноятчиликка қарши кураш механизлари) каби фанлар ўртасидаги *интердисциплинар интеграцияни* тақозо этади.

Шу нуқтан назардан, гиёҳвандлик ва наркожиноятчиликка қарши курашишда илмий-тадқиқот ишларини чуқурлаштириш, эмпирик маълумотларга асосланган таҳлилларни кенгайтириш, профилактика ва реабилитация механизмларини илмий асосда такомиллаштириш, шунингдек, халқаро ҳамкорликни кучайтириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Шунинг учун мазкур иллатга қарши курашиш фақат *реактив чора-тадбирлар* билан чекланиб қолмасдан, балки тизимли, илмий асосланган ва кўп тармоқли (*интердисциплинар*) ёндашувни тақозо этади. Замонавий ёндашувларда мазкур муаммога мураккаб ижтимоий-психологик ва биотиббӣёт феномени сифатида қаралиб, унинг сабаб ва оқибатлари чуқур илмий таҳлилни талаб қилади.

Илмий тадқиқотларнинг биринчи устувор вазифаси мавжуд вазиятни холис баҳолаш, унинг ривожланиш динамикасини аниқлаш ҳамда илмий асосланган прогнозлар ишлаб чиқишдан иборат. Амалиёт шуни кўрсатадики, расмий статистик маълумотлар кўп ҳолларда “айсберг эффе́кти” доирасида фақат рўйхатга олинган жиноятларни акс эттиради, холос. Шу боис, латент (*яширин*) гиёҳвандлик ҳолатларини аниқлаш мақсадида аноним сўровномалар, эмпирик кузатувлар, тиббӣй-биологик таҳлиллар ва социологик мониторинг усулларидан комплекс фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур усуллар орқали аҳоли, айниқса ёшлар орасида гиёҳвандлик истеъмолчи кўлами, унинг ижтимоий-демографик хусусиятлари, янги психоактив моддалар тарқалиш тенденциялари илмий жиҳатдан асослаб берилди.

Айниқса, сўнгги йилларда “дизайнер гиёҳвандлик воситалари” сифатида таърифланувчи синтетик кимёвий моддаларнинг кенг тарқалиши мазкур соҳадаги илмий-тадқиқот фаолиятининг аҳамиятини янада оширмоқда. Ушбу моддаларнинг кимёвий таркибини идентификация қилиш, уларнинг инсон организмига таъсир механизмини (*фармакодинамика ва фармакокинетика нуқтан назаридан*) ўрганиш, ҳамда уларни тезкор равишда назорат қилинадиган моддалар рўйхатига киритиш жараёнлари юқори илмий салоҳият ва лаборатор инфратузилмани талаб қилади.

Иккинчидан, психологик ва педагогик тадқиқотлар профилактика чора-тадбирларининг самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутди. Илмий далиллар шуни кўрсатадики, анъанавий огоҳлантириш ёки кўрқитишга асосланган ёндашувлар ҳар доим ҳам барқарор натижа бермайди. Аксинча, ёшлар аудиторияси билан ишлашда интерактив таълим технологиялари, тенгдошлар орқали таъсир ўтказиш (*peer-to-peer approach*), ижтимоий роликлар, кейс-стади усулидаги тренинглар ва реал ҳаётний мисолларга асосланган

профилактик дастурлар анча самарали ҳисобланади. Бу эса профилактика тизимини илмий-педагогик асосда қайта кўриб чиқиш заруратини кўрсатади.

Шу билан бирга, мазкур иллатга қарши самарали курашиш комплекс ва кўп даражали ёндашувни талаб этади. У фақат гиёҳванд моддалар ноқонуний айланмасига қарши курашиш ва ҳуқуқбузарларни жазолаш билан чекланиб

профилактик дастурлар анча самарали ҳисобланади. Бу эса профилактика тизимини илмий-педагогик асосда қайта кўриб чиқиш заруратини кўрсатади.

Шу билан бирга, мазкур ишлатга қарши самарали курашиш комплекс ва кўп даражали ёндашувни талаб этади. У фақат гиёҳванд моддалар ноқонуний айланмасига қарши курашиш ва ҳуқуқбузарларни жазолаш билан чекланиб қолмаслиги лозим. Балки профилактика, эрта аниқлаш, тиббий-психологик реабилитация, ижтимоий мослаштириш ва қайта интеграция қилиш механизмларини қамраб олган яхлит тизимни шакллантириш зарур. Фақат шу тарзда илмий асосланган, барқарор ва узок муддатли натижаларга эришиш мумкин.

Профилактика чора-тадбирлари гиёҳвандликка қарши курашиш тизимининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланиб, уларни илмий-методик асосда ташкил этиш алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, гиёҳванд моддаларнинг инсон саломатлигига, руҳий ҳолатига ва ижтимоий ҳаётига етказадиган салбий таъсири ҳақида аҳоли ўртасида, айниқса ёшлар қатлами орасида кенг қамровли ва тизимли ахборот-таълим ишларини олиб бориш зарур. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, барқарор салбий муносабатни шакллантириш фақат маълумот бериш билан чекланмасдан, балки шахснинг кадриятлар тизими, ҳаётий кўникмалари ва ижтимоий масъулиятини ривожлантириш билан уйғун ҳолда амалга оширилганда юқори самара беради.

Шу билан бирга, гиёҳвандликка чалинган шахсларни жамиятга қайта интеграция қилиш масаласи ҳам долзарб аҳамиятга эга. Бу жараён тиббий ёрдам, психотерапевтик қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий реабилитация чораларини ўзаро уйғунлаштирган ҳолда амалга оширилиши лозим. Замонавий ёндашувларда гиёҳвандлик сурункали, рецидивга мойил касаллик сифатида баҳоланиб, уни даволашда биопсихосоциал модель асосида комплекс терапевтик стратегиялар ишлаб чиқилмоқда.

Мазкур йўналишда давлат сиёсати доирасида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йилнинг 3 ноябридаги “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонининг қабул қилиниши соҳадаги ишларни тизимли равишда ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда муҳим қадам бўлди. Ушбу ҳужжат асосида “Гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш бўйича 2025–2026 йилларга мўлжалланган комплекс амалий ҳаракатлар миллий дастури”нинг ишлаб чиқилиши профилактика, даволаш ва реабилитация жараёнларини интеграциялашган ҳолда амалга ошириш имконини бермоқда [4].

Тиббиёт соҳасидаги илмий тадқиқотлар гиёҳвандликни нейробиологик механизмлар билан боғлиқ бўлган сурункали касаллик сифатида талқин этади. Замонавий невробиология доирасида гиёҳванд моддаларнинг инсон миёсидаги мукофот тизимига таъсири, нейромедиаторлар фаолиятидаги ўзгаришлар ва қарамлик шаклланишининг биологик асослари чуқур ўрганилмоқда. Бу эса дори воситалари билан даволаш, когнитив-хулқ-атвор психотерапия ва ижтимоий реабилитацияни қамраб олган комплекс даволаш моделларини ишлаб чиқиш имконини бермоқда.

Илмий асосланган реабилитация марказлари фаолияти фақат организмни детоксикация қилиш билан чекланмасдан, балки шахснинг ижтимоий функцияларини тиклаш, меҳнат фаолиятига жалб этиш ва жамиятга мослашувини таъминлашга қаратилган бўлиши лозим. Чунки амалиёт шуни кўрсатадики, даволаш жараёнининг энг муҳим босқичи — қайта истеъмол (рецидив) ва қайта жиноятчилик ҳолатларининг олдини олишдир.

Криминологик тадқиқотлар эса наркожиноятчиликнинг тузилмаси, географияси ва ривожланиш динамикасини таҳлил қилиш орқали унинг олдини олиш механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Замонавий статистик моделлаштириш, риск-таҳлил ва прогнозлаш усуллари орқали жиноятчиликнинг эҳтимолий ўсиш нуқталари аниқланиб, мақсадли профилактик ва тезкор ҳуқуқий чоралар ишлаб чиқилади. Шу билан бирга, рақамли технологияларнинг ривожланиши натижасида наркотик воситалар савдосининг интернет тармоқлари ва “яширин сегментлар” (darknet) орқали амалга оширилаётгани киберкриминология доирасида алоҳида тадқиқ этишни талаб қилмоқда.

Халқаро миқёсда ҳам гиёҳвандликка қарши курашишда илмий тадқиқотлар стратегик аҳамиятга эга бўлган асосий таянч омиллардан бири сифатида намоён бўлади. Жумладан, **United Nations Office on Drugs and Crime** томонидан ҳар йили эълон қилинадиган Жаҳон гиёҳвандлик ҳисоботлари глобал миқёсдаги тенденцияларни илмий-статистик таҳлил қилишга хизмат қилади. Мазкур ҳисоботлар гиёҳванд моддалар ишлаб чиқарилиши, тарқалиши, истеъмоли ва улар билан боғлиқ жиноятчилик ҳолатларининг динамикасини комплекс ўрганиш имконини беради [5]. Шу асосда давлатлар ўз миллий стратегияларини илмий далилларга таянган ҳолда такомиллаштиради, шунингдек, трансмиллий таҳдидларга қарши курашишда халқаро ҳамкорлик механизмларини мустаҳкамлайди. Зеро, наркотрафик худудий чегаралар билан чекланмайдиган, юқори даражада уюшган ва глобал характерга эга жиний фаолият тури ҳисобланади.

Иқтисодий тадқиқотлар ҳам мазкур муаммонинг моҳиятини чуқур англашда муҳим ўрин тутаяди. Наркобизнес катта ҳажмдаги ноқонуний молиявий

ресурсларни шакллантириб, улар орқали коррупция, “пул ювиш” (money laundering) ва бошқа огир турдаги жиноятларни рағбатлантиради. Илмий-иқтисодий таҳлиллар ноқонуний молиявий оқимларни аниқлаш, уларнинг ҳаракатланиш механизмларини ўрганиш ва самарали молиявий назорат инструментларини ишлаб чиқиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, миллий ва халқаро даражада иқтисодий хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, гиёҳвандликнинг жамиятга етказётган иқтисодий зарарини баҳолаш ҳам илмий тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Хусусан, соғлиқни сақлаш тизимида тушаётган кўшимча юклама (даволаш ва реабилитация харажатлари), меҳнат унумдорлигининг пасайиши, ишсизликнинг ортиши, шунингдек, жиноятчилик билан боғлиқ иқтисодий йўқотишлар комплекс ҳисоб-китоблар асосида аниқланади. Бундай илмий асосланган ҳисоб-китоблар муаммонинг ҳақиқий кўлами ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини аниқ рақамлар орқали ифодалаш имконини беради ҳамда давлат сиёсатида устувор йўналишларни белгилашда муҳим ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқий тадқиқотлар гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш тизимида алоҳида ўрин тутиб, мазкур соҳадаги давлат сиёсатини илмий асосда шакллантиришга хизмат қилади. Хусусан, қонунчиликни такомиллаштириш, жазо чораларини индивидуаллаштириш, шунингдек, жазолашдан кўра реабилитацияга йўналтирилган альтернатив ҳуқуқий механизмларни жорий этиш илмий-ҳуқуқий таҳлилларни талаб этади. Замонавий криминологик ёндашувлар шуни кўрсатадики, айрим ҳолатларда жазолаш чораларини камайтириш ва даволашга йўналтириш ижтимоий самарадорлик нуқтан назаридан юқори натижа беради.

Масалан, Германия қонунларига кўра, гиёҳванд моддалар таъсирида бўлган ҳолда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахслар, агар ихтиёрий равишда гиёҳвандликдан даволанишга рози бўлсалар, жиноий жавобгарликдан озод этилишлари мумкин (*Betäubungsmittelgesetz (BtMG), §§ 35, 37*).

Хитой жиноят қонунчилигида гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятлар учун жуда қатъий жазо чоралари белгиланган. Хусусан, йирик миқдордаги наркотик моддалар контрабандаси учун узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш, умрбод қамок ёки ҳатто ўлим жазоси қўлланилиши мумкин. Бу эса мазкур давлатда профилактиканинг репрессив (қаттиқ жазога асосланган) модели устувор эканлигини кўрсатади (*Criminal Law of the People's Republic of China, Art. 347; UNODC World Drug Report*).

Исландия модели (“Planet Youth”)га назар ташласак, 1998 йилларда Исландияда 15-16 ёшли ўсмирлар орасида спиртли ичимликлар ва гиёҳвандлик

даражаси Европа бўйича энг юқори (42%) кўрсаткичда эди. Исландия ҳукумати фақат тақиқлаш ва қамаш сиёсатидан воз кечиб, маҳаллий ҳамжамият, мактаб ва

даражаси Европа бўйича энг юқори (42%) кўрсаткичда эди. Исландия ҳукумати фақат тақиклаш ва қамаш сиёсатидан воз кечиб, маҳаллий ҳамжамият, мактаб ва ота-оналар ҳамкорлигига асосланган профилактика моделини жорий этди. Ўсмирларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун спорт ва санъат инфратузилмаси давлат томонидан кенг молиялаштирилди, ота-оналар билан қатъий келишувлар (масалан, болаларнинг кечки пайт кўчада юрмаслик қондаси) ўрнатилди. Натижада, 20 йил ичида бу кўрсаткич 42 %дан 5 %гача туширилди[6].

Маълумот учун: Лойиҳа доирасида Криминология тадқиқот институтида ўтказилган сўровномада ҳам 1 080 нафар бола айнаи "спорт ва тўғарақларга жалб қилиш"ни гиёҳвандликнинг олдини олишдаги энг самарали йўл деб кўрсатгани ушбу моделнинг юртимиз учун ҳам релевантлигини тасдиқлайди.

Португалия модели (Декриминализация сиёсати). 2001 йилда Португалия давлати дунёда биринчилардан бўлиб гиёҳванд моддаларни шахсий истеъмол учун сақлаганликни жиноий эмас, балки маъмурий ҳуқуқбузарлик ва соғлиқни сақлаш тизимига оид тиббий муаммо сифатида баҳолаш сиёсатига ўтди. Мазкур давлатнинг асосий эътибори ва молиявий ресурслари жазолашга эмас, балки даволашга, ижтимоий реабилитацияга ва зарарни камайтиришга қаратилди. Натижада, мамлакатда гиёҳвандлик моддасидан ўлим ҳолатлари 80% га камайди, ОИВ (ВИЧ) юқиши кескин пасайди, полиция ва суд тизими эса ўзларининг асосий кучларини майда истеъмолчиларни қамашга эмас, балки йирик наркокартеллар ва уюшган жиноятчиликка қарши курашга қарата олди. Бу тажриба шунини ўргатадики, касалликка чалинган "истеъмолчи-жиноятчи" билан гаразли ниятдаги "тарқатувчи-жиноятчи"ни бир хил жазолаш тизими самарасиздир. Балки, истеъмолчига жазодан кўра кўпроқ тиббий-ижтимоий ёрдам зарур.

АҚШ ва Нидерландия каби давлатларнинг тажрибасига назар ташласак. Хусусан, АҚШда мактабларга асосланган "Life Skills Training" (Ҳаётний кўникмаларни шакллантириш) дастурлари орқали ўқувчиларда стрессни бошқариш ва салбий тақлифларга онгли равишда рад жавобини бериш кўникмалари ўргатилмоқда, бу эса наркотик истеъмолини 30-50%га камайтирди. Нидерландияда эса ёшларга гиёҳванд моддаларнинг таркиби ва хавфи ҳақида очик, илмий ва объектив ахборот бериш орқали уларда хавфли моддаларга нисбатан онгли иммунитет шакллантирилмоқда.

Бу тажрибаларни киёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш орқали энг мақбул механизмларни ишлаб чиқиш мумкин.

Шу билан бирга, ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши мазкур соҳада илмий мониторинг ва таҳлилнинг янги усулларини жорий этиш имконини бермоқда. Катта маълумотлар (big data) таҳлили, сунъий

интеллект алгоритмлари ва геоахборот тизимлари (GIS) орқали наркожиноятларнинг ҳудудий тарқалиш хариталарини шакллантириш, хавфли нуқталарни аниқлаш ва тезкор профилактик чоралар кўриш мумкин. Бу эса анъанавий усулларга нисбатан аниқлик, тезкорлик ва самарадорликни сезиларли даражада оширади.

Хулоса қилиб айтганда, гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашишда илмий тадқиқотлар стратегик аҳамиятга эга бўлиб, улар муаммонинг моҳиятини чуқур англаш, унинг сабаб ва оқибатларини аниқлаш ҳамда самарали профилактика, даволаш ва ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Гиёҳвандликка қарши кураш бу фақатгина маъмурий ёки жисмоний таъсир чоралари эмас, балки кенг қамровли илмий ёндашувга асосланган мураккаб жараён дур. Илм-фан орқали биз ушбу иллатнинг илдиз омилларини аниқлаб, унга мақсадли ва самарали таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлаемиз.

Фақатгина давлат органлари, илмий муассасалар ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги, ресурслар ва билимларнинг интеграцияси орқали соғлом ва хавфсиз жамиятни шакллантириш мумкин. Илмий асосланмаган, фрагментар ёндашувлар қисқа муддатли натижалар бериши мумкин, бироқ барқарор ва узок муддатли ижобий ўзгаришларга эришиш фақат илмий асосланган, тизимли сиёсат ва амалиёт орқали таъминланади.

Гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий-амалий таклифлар

Юқорида баён этилган таҳлиллардан келиб чиқиб, соҳадаги илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга татбиқ этиш бўйича қуйидаги таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқ дур.

Биринчидан, гиёҳвандликнинг яширин кўламини холис баҳолаш мақсадида нафақат расмий статистикага, балки оқова сувларни кимёвий таҳлил қилиш (wastewater analysis) ва мунтазам аноним сўровномалар каби замонавий илмий методларга асосланган Миллий мониторинг тизимини яратиш зарур. Бу жараёнда сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиб, наркожиноятлар энг кўп содир этилиши мумкин бўлган ҳудудларнинг (hotspots) электрон харитасини шакллантириш ва ресурсларни мақсадли йўналтириш лозим.

Иккинчидан, янги турдаги “дизайнерлик наркотиклари” ва синтетик моддаларнинг пайдо бўлиш тезлигини инобатга олиб, уларни тезкор аниқлаш ва 24 соат ичида таъқиқланган моддалар рўйхатига киритиш имконини берувчи содалаштирилган ҳуқуқий механизм ҳамда экспресс-лабораториялар тармоғини кенгайтириш зарур. Шу билан бирга, кибермакондаги наркосавдога қарши курашиш учун киберкриминология йўналишида алоҳида илмий бўлинма ташкил этиш, улар ёрдамида DarkNet ва криптовалюта транзакцияларини

кузатишнинг миллий дастурий таъминотларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан, профилактика ишларида эскирган “кўрkitиш” усулларидан воз кечиb, нейрoпсихология ва нейромаркетинг ютуқларига асосланган, ёшларнинг қизиқишлари ва ижтимоий тармоқлардаги хулқ-атвориға мослаштирилган интерактив медиа-маҳсулотларни яратиш лозим. Тиббий реабилитация соҳасида эса гиёҳвандликни фақат детоксикация қилиш эмас, балки шахсни жамиятга қайтариш (ресoциализация) занжирини илмий асосланган стандартлар даражасига кўтариш, айрим ҳолларда оғир бўлмаган жиноят содир этган шахслар учун “жазо ўрниға мажбурий даволаш” моделини тажриба тариқасида жорий этиш мақсадға мувофиқдир.

Тўртинчидан, ушбу йўналишдаги барча илмий изланишларни мувофиқлаштириш учун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида доимий платформа яратиш, соҳаға онд диссертация ва тадқиқот мавзуларини айнан наркобизнеснинг янги шакллариға қарши курашишнинг амалий ечимлариға йўналтириш зарур. Фақатгина мана шундай комплекс ва илмий асосланган ёндашув орқали жамиятни наркотаҳдидлардан самарали ҳимоя қилиш мумкин.

Фойдаланилаган адабиётлар:

1. Castells, M. (2010). *The End of Millennium. The Information Age: Economy, Society, and Culture*. Oxford: Wiley-Blackwell.
2. Volkow, N. D., & Morales, M. (2015). The Brain on Drugs: From Reward to Addiction. *Cell*, 162(4), 712-725.
3. Sutherland, E. H. (1947). *Principles of Criminology*. Philadelphia: Lippincott.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги ПФ-207-сон “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.
5. United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). *World Drug Report 2025*. – Vienna: UNODC Research, 2025.
6. Kristjánsson Á. L., et al. Adolescent substance use prevention: school-based and community-based approaches in Iceland. *Child and Adolescent Psychiatric Clinics of North America*, 25(3), 437-452.

Shayxontohur tumanida sodir etilgan giyohvandlik bilan bog'liq jinoyatlar tahlili va ularni oldini olishning zamonaviy mexanizmlari	60
Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich	60
Rizoyev Feruz Furqat o'g'li	60
Narkotiklarning noqonuniy muomalasiga qarshi kurashishni huquqiy va taktik jihatdan ta'minlash: muammolar va takliflar	65
Payziyev Abbos Muxammadovich	65
Гиёхвандлик ва наркотиноятларга қарши курашишда илмий тадқиқотларнинг ўрни	71
Тўраев Илхомжон Эсанович	71
Божхона чегараси орқали ноқонуний олиб ўтиладиган кучли таъсир этувчи моддаларни аниқлаш муаммолари	79
Гайиров Фазлиддин Саттарович	79
Рахмонов Бекзод Исроилович	79
Гиёхвандликка қарши курашиш тизимида хорижий ёндашувлар ва уларни ўзбекистон амалиётига татбиқ этиш имкониятлари	88
Махсадов Махсатулло Исматович	88
Кузнев Дилшод Ахорович	88
Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш соҳасида коррупция: криминологик ва ҳуқуқий таҳлил.....	93
Нурмухаммедова Гўзалхон Баҳодировна	93
Ахборот маконида гиёхванд моддалар тарғиботи тушунчаси	99
Х.Қ.Бексариев	99
Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омиллар: детерминант ва риск факторларининг ўзаро боғлиқлиги.....	104
Хурсанов Алишер Суёнович	104
Giyohvandlik vositalarining noqonuniy muomalasiga qarshi kurashishni nazariy-huquqiy jihatlari	114
Qo'shayev Nurali Maxmudovich	114
Payziyev Abbos Muxammadovich	114
Трансмиллий наркотиноятчилик ва жаҳон наркотинозорининг замонавий тенденциялари: криминологик таҳлил	118
Норбутаев Эркин Хурорович	118